

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ СИЁСАТИДА БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Гаффоров Шуҳрат Насриевич
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ
қўймитаси ҳузуридаги Фискал институт

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатида билвосита солиқларнинг ўрни асосланган. Амалиётдан олинган маълумотларни таҳлили асосида солиқ тушумларида бевосита, билвосита, ресурс тўловлари ва мулк солиқларининг улушларини оптималлаштириш бўйича холоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ функциялари, бевосита солиқлар, билвоста солиқлар, нисбат, оптималлаштириши.

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ КОСВЕННЫХ НАЛОГОВ В НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Гаффоров Шуҳрат Насриевич
Фискальный институт при Государственном
налоговом комитете Республики Узбекистан

Аннотация. Данная статья посвящена роли косвенных налогов в налоговой политике Республики Узбекистан. На основе анализа данных, полученных из практики, даны выводы и предложения по оптимизации долей прямых, косвенных, ресурсных сборов и налогов на имущество в налоговых поступлениях.

Ключевые слова: налог, функции налогов, прямые налоги, косвенные налоги, соотношение, оптимизация.

ECONOMIC IMPORTANCE OF INDIRECT TAXES IN THE TAX POLICY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Gafforov Shuhrat Nasrievich
Fiscal institute under the state tax committee
of the Republic of Uzbekistan

Annotation. This article is devoted to the role of indirect taxes in the tax policy of the Republic of Uzbekistan. Based on the analysis of data obtained from practice, conclusions and proposals are given for optimizing the shares of direct, indirect, resource fees and property taxes in tax revenues.

Keywords: tax, tax functions, direct taxes, indirect taxes, ratio, optimization.

Кириш.

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга ва уни халқаро амалиётга яқинлаштиришга қаратилган ислоҳатлар олиб борилмоқда. Солиқ сиёсатини ислоҳ қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Конунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари қабул қилинмоқда.

Солиқ сиёсатини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-812-сон (Қонун, 2022) ва Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-813-сон қонуларида (Қонун, 2022), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон (Фармон, 2022), 2022 йил 30 декабрдаги “Республика худудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-287-сон Фармонлари (Фармон, 2022) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-471-сон қарорларида (Қарор, 2022) ўз аксини топган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда мамлакатимиз солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, уларда қўшилган қиймат солиги бўйича солиқ ставкасининг пасайтирилиши, айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғидан ва ижтимоий солиқдан имтиёзлар берилиши, айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ставкаларининг унификация қилиниши, мутлақ суммада белгиланган солиқ ставкаларининг кутилаётган инфляция даражасидан келиб чиқсан ҳолда индексация қилиниши, шунингдек бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқларнинг тўлиқ йиғилишига қаратилган солиқ маъмуриятчилигига оид чоралар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ-бюджет сиёсатини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар:

давлат бюджети ва корхоналар молиявий ахволининг баркарорлигини таъминлаш;

солиқ сиёсатини эркинлаштириш ва такомиллаштириш;

маҳаллий бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан махаллий солиқлар ўртасида аник чегарани белгилаш;

давлат бюджети даромадларини катта қисмини маҳаллий бюджетларга бериш, уларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлаш.

солиқ сиёсати белгилаб берган чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этувчи тегишли бюджет-солиқ механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган тенденцияларнинг бартараф этилиши ҳамда бюджет ва макроиктисодиёт индикаторларининг оптималь ҳолати иктисодиётнинг ноҳом ашё соҳаларида товар ишлаб чиқарувчилар ва аҳолининг кам даромадли қатламларини босқичма босқич солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш механизмини соддалаштириш ва шароитларини тенглаштириш, амалдаги солиқ кодексини бошка давлатларда умумкабул килинган талаблар ва стандартларга мослаштириш йуналишларида солиқ сиёсатини такомиллаштиришни талаб килади.

Келтириб ўтилганларни амалга ошириш мақсадида қуйидагиларни бажариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- солиқ тушумлари турларининг умумий сонини чегаралаш, уларни баҳолаш усувларини соддалаштириш, фойдага солинадиган солиқнинг базасини аниқлаш усувларини халкаро стандартларга мослаштириш йўналишларида солиқ қонунчилиги қайта кўриб чиқиш;

- билвосита солиққа тортишни инфляция жараёнларига таъсирини камайтириш, ишлаб чиқаришни солиққа тортишни пасайтириш;

- билвосита солиққа тортишни соддалаштиришга тамаки ва алкогол махсулотларига акциз солиҳини қатъий ставкаларини киритиш. Акциз остидаги товарларнинг рўйхатини босқичма босқич қисқартиришни таъминлаш, ҳамда республикадаги ишлаб чиқарилаётган ва олиб кирилаётган махсулотларга акциз солиғини босқичма - босқич унификациялаш;

- амалдаги кўпгина солиқ имтиёзларини бекор килиш. Бу эса тенг рақобат шароитларини таъминлаш, солиқ соҳасида коррупцияни чеклаш, солиққа тортиш механизмининг шаффофлигини ошириш, корхоналарнинг солиқларни хисоблаш ишини соддалаштириш, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилишни енгиллаштириш имконини беради;

- солиқ соҳасида янги қарорлар қабул қилиш ва қонун ости ҳужжатлари ва ташкилий курсатмаларга тез-тез ўзгартириш киритиш амалиётини қонуний йўл билан чеклаш орқали солиқ тизимида кўпроқ барқарорликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш ва бошқалар.

Адабиётлар шарҳи.

Юқоридагиларни амалга оширишда солиқларнинг функциялари яхши ишлаши зарур.

Солиқларнинг қуийдаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: солиқнинг фискал функцияси, тартибга солиш функцияси, рағбатлантириш функцияси, назорат функцияси, солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси. Солиқларнинг асосий функцияси – фискал функция ҳисобланниб (лотинча *fiscus* сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади), бу функциянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир бўлagini давлат бошқарувини, мамлакат мудофаасини, умуман ноишлаб чиқариш соҳасини сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантири – солиқлар фискал функциясининг энг муҳим элементи ҳисобланади.

Солиқлар юқоида келтирилган функциялари бажаришда маълум бир белгиларига кўра гурухланади. Жаҳон ва мамлакатимиз амалиёти барча солиқлар асосан қуийдаги гурухларга ажратилади: бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ресурс тўловлари ва мулк солиғи. Шу муносабот билан бу борада иқтисодчи олимларнинг қарашларини келтириб ўтамиз.

Ваҳобов, Жўраевлар (2009) бу борада қуийдаги фикрларни билдиришган. Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри ва тўғри солиқларга ёки бевосита ва билвосита солиқларга бўлиниади. Тўғри солиқларни тўғридан тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқни Солиқларнинг гурухларга ажратилиши Тўғри ва эгри солиқларнинг таркиби ва уларнинг бюджет даромадларида аҳамияти ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. Жаҳон солиқ амалиётида Давлат бюджети даромадлари таркибида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбатига қараб у ёки бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин. Масалан. АҚШда бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар салмоғининг 90 фоизга яқин бўлиши бу мамлакат иқтисодиётининг юқори даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Майбуров ва Соколовскаяларнинг (2020) фикрича солиқлар қайта тиклаш даражасига кўра бевосита ва билвосита солиқларга бўлиниади. Бевосита солиқлар - бу жуда кам қайта тикланадиган солиқлар бўлиб, улар бевосита солиқ тўловчининг даромади ёки мулкидан олинади.

Гадоев ва бошқалар (2013) «солиқларни бевосита ва билвосита солиқларга бўлиниши бўйича қуийдагиларни эътироф этишган, солиқлар бевосита ва билвосита солиқларга бўлиниади. Бевосита солиқлар тўғридан тўғри солиқ тўловчининг ўзи тўлайди, яъни солиқни ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади».

Шадурская (2019) билвосита солиқларга тўхталиб, “Билвосита солиқлар -бу товарлар ва хизматлар тарифига қўйилган қўшимча нарх кўринишидаги солиқдир” деб таъриф берган.

Зотикованинг (2018) такидлашича, билвосита солиққа тортиш мавзусининг долзарблиги Россия солиқ тизими яратилган кундан бошлаб ва бутун мавжудлик даврида билвосита солиққа тортишнинг устунлигига асосланган тизим эканлиги билан боғлиқ. Россия солиқ тизимида билвосита солиқларнинг улуши 60% дан ортиқ. Бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги нисбат солиқ тизимининг сифат кўрсаткичларидан биридир. Россия солиқ тизими билвосита солиқларни назарда тутади: ҚҚС, акцизлар, божхона тловлари. Шу билан бирга, товарларни (ишларни, хизматларни) ҳам мамлакат ҳудудида, ҳам божхона ҳудудида сотишдан божхона тўловлари бундан мустасно, ҚҚС ва акцизлар ундирилади. Бевосита солиқлардан (фойда солиғи, мулк солиғи ва бошқалар) фарқли ўлароқ, билвосита солиқ факат битта функцияни бажаради – фискал.

Абдуллаеванинг (2014) фикрича, билвосита ва бевосита солиққа тортиш нисбати бўйича Россия солиқ тизими фискал вазифани асосан билвосита солиқлар билан бажариши керак, бевосита солиқлар эса иқтисодий тартибга солувчи ролини ўйнаши керак деган позицияга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Билвосита солиқлар бевосита солиқлардан фарқли маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг шаклланган нархини оширади, охир оқибатда харидор билвосита солиқларни тўловчи ҳисобланади (Мищенко ва бошқ. 2023).

Кривошеева (2021) ўзининг илмий ишларида билвосита солиқларнинг аҳамиятини қуийдагича эътироф этган: билвосита солиқлар аниқ фискал ва тартибга солиш функциясига эга. Билвосита солиққа тортиш тизими ғазнага тушумларни жалб қилишнинг энг қулай шакли

бўлиб, катта суммаларни тез ва мунтазам равишда олиш имконини беради. У иқтисодиётга таъсир кўрсатиш имкониятини, яъни ишлаб чиқаришни у ёки бу йўналишда рағбатлантириш ёки чеклаш ҳамда истеъмолни тартибга солиш имкониятларини ўз ичига олади ва шу билан бирга иқтисодий жараёнларга тез жавоб бериш имконини беради.

Васильева (2008) билвосита солиқларнинг функцияларига тўхталиб, қуйидагиларни кўрсатиб ўтган, Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар учта асосий вазифани бажаради:

1) фискал функция - давлат харажатларини молиялаштириш учун бюджетга давлатга маблағларни жалб қилиш;

2) ижтимоий функцияси - ижтимоий мувозанатни сақлаш сифатида мақсадида алоҳида гуруҳлар даромадлари ўртасидаги нисбатни ўзгартириш орқали улар орасидаги тенгизликтин юмшатиш ва даромадни адолатли тақсимлаш;

3) тартибга солиш функцияси - иқтисодиётни бошқаришда дастак сифатида.

Ишина (2009) билвосита солиқларнинг тартибга солиш функциясиги алоҳида эътибор берган ҳолда қуйидагиларни такидлайди. Солиқларнинг тартибга солиш функциясининг ўзига хос хусусияти уларнинг иқтисодиётга билвосита таъсiri билан белгиланади: солиқ сиёсатини амалга оширишдан иқтисодиётда режалаштирилган натижани олиш учун маълум вақт керак бўлади. Шу билан бирга, тартибга солиш функцияси солиқ тизими орқали аҳолининг самарали талабини рагбатлантириш, ташкилотлар ва фуқароларнинг инвестиция ва тадбиркорлик фаоллигини, товарлар таклифининг ўсишини, ижтимоий соҳани ривожлантиришни ва бошқаларни рағбатлантиришга қаратилган. Билвосита солиқларнинг тартибга солиш салоҳияти, биринчи навбатда, истеъмол таркибига ва у орқали ишлаб чиқаришга таъсир қилиш қобилиятидадир.

Жураев, Тошматов, Абдурахмановлар (2009) билвосита солиқлар таркибиغا қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона божи, жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқлар киришлигини эътироф этишган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, айланмадан олинадиган солиқнинг иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Айланмадан олинадиган солиқнинг назарий масалалар умумлаштирилди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар.

Мамлакатимизда фискал сиёсатни ҳамда солиқقا тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш, бюджет даромадини шакллантиришда бевосита ва билвосита солиқлар улушларини оптималь нисбатини таъминлашда маълум ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлашда иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган фискал сиёсатининг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш лозим. Мамлакатимизда мустақиллик йиллари давомида ижтимоий ҳимояга йўналтирилган солиқ сиёсати шакллантирилди ва янада такомиллаштирилмоқда. Солиқ ислоҳатларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Жумладан; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сонли фармойиши, 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли фармони, 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4389-сонли Қарори ҳамда 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сонли, 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик мұхитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги

ислоҳотлар тўғрисида”, 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287-сон “Республика худудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 июндаги ПФ-162-сон “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон «Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуннинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-471-сон “Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармонида солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилиши лозимлиги белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сон Қарори қабул қилинди ва ушбу қарор билан “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси” маъқулланди. Шунингдек, ушбу қарорга асосан “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”нинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди. стратегиянинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлаш; солиқ органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш ва солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни жорий этиш орқали қўрсатилаётган солиқ хизматлари сифатини яхшилаш;

барча тоифадаги солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг ихтиёрий равишда бажариш асосида уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ишончли муносабатларни яратиш; солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш, барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қулай шароитларни таъминлайдиган транспарент ва барқарор солиқ тизимини шакллантириш; солиқ тўловчилар фаолиятига аралашишни, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида “инсон омили”ни ҳамда коррупция ҳолатларининг салбий қўринишларини камайтириш имконини берадиган таваккал-таҳлил ва масофавий таҳлилий ишлар тизими асосида солиқ назорати тизимини шакллантириш; стратегиянинг асосий йўналишлари этиб солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш; хизмат қўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш;

солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш; давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш; давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиб механизmlарини ривожлантириш белгиланган (Қарор, 2019).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган давлат бюджетига солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлашда билвосита солиқларнинг ўрнини алоҳида эътироф этишимиз зарур. Бу фикрларни асослаш мақсадида қуйидаги рақамларни келтириб ўтамиш.

2022 йилда дунёда содир бўлган мураккаб иқтисодий ва молиявий вазиятнинг сақланиб қолаётганлиги, жаҳон бозорларида асосий маҳсулотлар нархларининг бекарорлигига қарамай мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришилди.

2022 йил якунларига кўра ялпи ички маҳсулот – 5,7 фоиз ўсиш суръатлари таъминланди.

2022 йилда Давлат бюджети даромадлари 202 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 37,2 трлн сўмга ёки 22,6 фоизга ошиди.

Жумладан, Солиқ қўмитаси маъмурчилигидаги тушумлар 148 трлн сўмни Божхона қўмитаси бўйича тушумлар 46,0 трлн сўмни ҳамда бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар 7,6 трлн сўмни (қўшилган қиймат солиғи бўйича қайтариш (қоплаб бериш) (19,3 трлн сўм) ва фуқароларга харид суммасидан 1% (“кэш-бэк”) қайтаришни (0,8 трлн сўм) ҳисобга олган ҳолда) ташкил қилди.

Даромадларнинг асосий қисмини билвосита солиқлар 72 трлн сўмни ёки Давлат бюджети умумий даромадларининг 35 фоизини ташкил қилди. 2021 йилга нисбатан 15,1 трлн сўмга ёки 27 фоизга ошиди.

2022 йилда ҚҚС жами тушумлари 52,2 трлн сўмни ташкил этди, 2021 йилга нисбатан 13,8 трлн сўмга ёки 36 фоизга ошди.

ҚҚС бўйича давлат бюджетига жами 71,5 трлн сўм ундирилди (2021 йилга нисбатан 35 фоизга кўпроқ), шундан солиқ органлари томонидан 32,8 трлн сўм (28,3 фоизга кўпроқ), божхона органлари томонидан 38,7 трлн сўм (41,8 фоизга кўпроқ) ундирилди.

ҚҚС бўйича тушумларнинг ўсиши иқтисодий фаолликнинг ошиши, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштирилиши билан бир қаторда, солиқ тўловчилар сонининг 174 мингтага этиб, 30 мингтага ёки 20 фоизга ошганлиги билан изоҳланади.

ҚҚСдан манфий фарқни қоплаш учун 6 509 та тадбиркорлик субъектларига 19,3 трлн сўм миқдорида маблағлар қайтарилди (ҚҚС тушумларига нисбатан 27 фоиз). 2021 йилда жами 14,4 трлн сўм маблағлар солиқ тўловчиларга қайтарилган.

Божхона божи бўйича тушумлар 2022 йилда 5,7 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 981 млрд сўмга ёки 21 фоизга ошди (иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, 2022).

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда Давлат бюджети тушумлари таҳлили⁴⁹, жадвалда келтилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда Давлат бюджети тушумлари таҳлили⁴⁹, млрд.сўм

Т/Р	Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
	ДАРОМАДЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМГАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ	79 099,0	112 165,4	132 938,0	164 680,3	201 863,7
1.	Бевосита солиқлар	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930,4	64 477,1
1.1	Фойда солиғи	3 502,2	16 360,6	28 712,2	38 363,3	37 649,9
1.2	Айланмадан солиқ	2 108,5	1 988,7	1 353,9	1 649,4	2 512,7
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	6 422,7	12 668,5	15 140,8	18 917,7	24 284,5
2.	Билвосита солиқлар	41 280,4	46 427,2	46 428,4	56 290,5	71 390,2
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	27 876,5	33 809,8	31 177,4	38 439,0	52 189,4
2.2	Акциз солиғи	9 702,2	10 314,7	11 697,3	13 086,6	13 455,0
2.3	Божхона божи	1 826,4	2 302,7	3 553,7	4 764,9	5 745,7
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	12 663,4	19 680,7	21 257,0	23 036,4	23 912,8
3.1	Мулк солиғи	2 606,1	2 360,2	1 974,3	2 457,3	4 015,4
3.2	Ер солиғи	1 504,2	2 313,2	2 386,7	4 082,8	5 305,9
3.3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	8 424,7	14 692,8	16 417,1	15 811,9	13 887,4
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	128,4	314,5	478,8	684,4	704,1
4.	Юқори даромаддан олинадиган солиқ	1 528,0	107,9	-	-	-
5.	Бошқа даромадлар	7 971,0	14 272,8	20 045,8	26 423,1	42 113,7

Таҳлил қилинаётган даврда солиқ тушумлари йилдан йилга ошганини кўришимиз мумкин. 2018 йилда бу кўрсаткич 79 099,0 млрд. сўм бўлган бўлса, 2022 йилда эса 201 863,7 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу даврда бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, ресурс тўловлари ва мулк солиғи бўйича ҳам тушумлар ошишиш тенденцияси эга бўлган. Билвосита солиқлар 2018 йилда 41 280,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 56 290,5 ва 2022 йилда 71 390,2 млрд. сўм бўлган. Таҳлил даврида солиқ тушумлари 2022 йилда 2018

⁴⁹Жадвал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирилиги очик маълумотлари асосида тузилди. Даромадлар 2015-2022 йил ижроси. <https://openbudget.uz/incomesView/.25.04.2023>.

йилга нисбатан 255,2 фоизга ўсган бўлса, бевосита солиқларнинг ўсиши 411,83 фоиз бўлган бўлса, билвосита солиқлар бўйича бу кўрсаткич 172,94 фоизни ташкил этган. Хулоса қиласидан бўлсақ, Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати ривожланган мамлакатлар амалиётидагидек солиқ тушумларида билвосита солиқларга нисбатан бевосита солиқлар бўйича тушумлар катта ўсишга эга бўлмоқда.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита, билвосита, ресурс тўловлари ва мулк солиқларнинг жами солиқ тушумдаги улушлари муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Улар бўйича маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда Давлат бюджети тушумларида солиқ гурухларининг улуши таҳлили⁵⁰.

№	Кўрсаткичлар	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
1.	Давлат бюджети даромадлари	79 099,0	112 165,4	132 938,0	164 680,3	201 863,7
2.	Бевосита солиқлар	15 656,2	31 676,8	45 206,9	58 930,3	64 477,1
	фоизда	19,79	28,24	34,01	35,78	31,94
3.	Билвосита солиқлар	41 280,4	46 427,2	46 428,4	56 290,5	71 390,2
	фоизда	52,19	41,39	34,92	34,18	35,36
4.	Ресурс тўловлари ва мулк солиги	12 663,4	19 680,7	21 257,0	23 036,4	23 912,8
	фоизда	16,01	17,55	15,99	13,99	11,85
5.	Юқори даромаддан олинадиган солиқ	1 528,0	107,9	-	-	-
	фоизда	1,93	0,10	-	-	-
7.	Бошқа даромадлар	7 971,0	14 272,8	20 045,8	26 423,1	42 113,7
	фоизда	10,08	12,72	15,08	16,05	20,85
	Жами, фоиз	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлар 1-жадвал маълумотлари билан узвий боғланган. Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни курсатмоқдаки, 2018 йилга нисбатан 2021 йилда бевосита солиқлар бўйича тушумларнинг жами тушумдаги улуши 19,79 фоиздан 35,78 фоизга кўтарилиган. Аксинча, шу даврда билвосита солиқларнинг улуши 2018 йилда 52,19 фоиздан 2022 йилга келиб 35,36 фоизга тушган.

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ тушумларида бевосита, билвосита, ресурс тўловлари ва мулк солиқларининг улушларининг мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаши бўйича хулоса қилиш учун халқаро амалиётнинг ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, бевосита ёки билвосита солиққа тортишнинг оптималлаштириш ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиётининг хусусиятларидан келиб чиқиш зарур. Бунинг учун эса янги рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда чуқурроқ таҳлиллар ўтказиш лозим.

Adabiyotlar/Literatura/Reference:

Абдуллаева Б.К. (2014) Проблемы сбалансированности прямого и косвенного налогообложения в России и за рубежом // Теория и практика общественного развития. 2014. №18. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-sbalansirovannosti-pryamogo-i-kosvennogo-nalogooblozheniya-v-rossii-i-za-rubezhom.29.04.2023>.

Ваҳобов А., Жўраев А. (2009) Солиқлар ва солиққа тортиш: Дарслик /Ҳаммуал.: А.Ваҳобов, А.Жўраев. – Т.: “Шарқ” нашриёти –. –400 бет.

Васильева М.В. (2008) Распределение налогового бремени в обществе: косвенное налогообложение [Текст] / М.В. Васильева // Налоги и финансовое право. 2008. №6. С. 100-110.

Гадоев Э., Кўзиева Н., Ашуррова Н., Ўрмонов Ж. (2013) Юридик шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. –Т.: IQTISOD-MOLIYA. -616 б.

⁵⁰ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги очиқ маълумотлари асосида тузилди. Даромадлар 2015-2022 йил ижроси. <https://openbudget.uz/incomesView/.25.04.2023>.

Жураев А., Тошматов Ш., Абдурахманов О. (2009) Солиқлар ва солиққа тортиш: Ноиктисодий бакалавриат таълим йуналишлари учун ўқув қўлланма /; Э.Ф.Гадоевнинг умумий таҳрири остида; Тошкент: «NORMA» нашриёти, 2009. -184-6.

Зотиков Н.З. (2018) Косвенные налоги в налоговой системе России // Вестник Евразийской науки, №2, <https://esj.today/PDF/55ECVN218.pdf>.

Ишина М.С. (2009) Налог на добавленную стоимость как инструмент распределения добавленной стоимости между экономическими субъектами: дис. канд. экон. наук: 08.00.10 / Ишина Марианна Станиславовна. – М., 2009. – 198 с.

Иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили (2022). [EconomyMoliyaPress](https://telegra.ph/2022-jildagi-i%D2%9Btisodij-k%D1%9Ersatkichlar-ta%D2%B3lili-va-vazirlikning-2023-jildagi-ustuvor-vazifalari-03-29). <https://telegra.ph/2022-jildagi-i%D2%9Btisodij-k%D1%9Ersatkichlar-ta%D2%B3lili-va-vazirlikning-2023-jildagi-ustuvor-vazifalari-03-29>.

Кривошеева А.А. (2023) Исторические и современные аспекты косвенного налогообложения / А.А. Кривошеева. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2021. № 23 (365). С. 382-384. URL: <https://moluch.ru/archive/365/82056/> (дата обращения: 29.04.2023).

Мищенко Владимир Владимирович, Мищенко Людмила Анатольевна (2023) Проблемы косвенного налогообложения и возможные пути их решения // Вестник КузГТУ. 2014. №4 (104). [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-kosvennogo-nalogooblozheniya-ivozmozhnye-puti-ih-resheniya>. – Дата обращения: 25.04.2023.

Майбуров И.А. (2020) Теория налогообложения. И.А.Майбуров, А.М. Соколовская. – М.: ЮНИТА-ДАНА,. -591 с.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон фармони.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-287-сон Фармони.

Шадурская М.М., Смородина Е.А., Бакунова Т.В. (2019) Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. Екатеринбург: 207 стр.

Қонун (2022) Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-812-сон қонуни.

Қонун (2022) Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-813-сон қонуни.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-471-сон қарори.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389 сон Қарори.